

Жаҳонда Сўз



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 июль, сешанба, 1995 йил
Сотувада эркин нархда. № 126 (1128)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**
**А. О. ФАЙЗУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING БЕЛГИЯ
ҚИРОЛЛИГИДАГИ ФАВКУЛОДДА ВА
МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Алишер Омонуллович Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Белгия қироллигидаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 июль.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖўНАБ КЕТДИ
Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг туртинчи, ҳар йилги сессияси ишида қатнашиш учун 2 июль кuni Канаданинг Оттава шаҳрига жўнаб кетди.

**ЎЗБЕКИСТОНГА
ТАШРИФИГА ДОИР**
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Бош вазир Тансу Чилдер шу йил 9-10 июль кунлари расмий таширф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

**МЕЪМОРЛАР БАЙРАМИГА
БАҒИШЛАНДИ**

Пойтахтдаги «Туркистон» саройда Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йилгили бўлди. Унда меъморлар, қурувчилар, соҳа фахрийлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди. Ўртбошимизнинг юбилей муносабати билан меъморларга йўллаган табритини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев ўқиб эшиттирди. Республика Меъморлар уюшмаси раиси Ф. Ашрафий уюшманинг 60 йиллик фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Бир гуруҳ архитекторларга уюшма фахрий ёрликлари топширилди. Тантанали йилгилида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**БУЮК ОҚИН
ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 5-8 июль кунлари Ўзбекистонда буюк қозоқ оқини Абай Қўнобоев таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади.

3 июль кuni Абай юбилейига тайёгарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раиси С. Саидқосимов бошқарди. Мажлисада тегишли вазирлик, ҳокимлик, ишора ва уюшма раҳбарларининг юбилейга тайёгарлик ишларининг бориши ҳусусидаги ахборотлар тингланди. Қабул қилинган юбилей дастурига кўра, республика Фанлар академиясида Абай ижодига бағишланган илмий конференция, байналмилал маданиятлар марказида урашув, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида юбилей кечаси ўтказилади. Мазкур талбирларда қозғонистлик меҳмонлар ҳам иштирок этади. Улар нафақат Тошкент шаҳридаги, балки Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги юбилей тантаналарида ҳам қатнашадилар. Мажлисада буюк қозоқ адббининг мазкур тўйи Туркистон халқларининг бир-бирига янада яқинлашуви, ҳусусан, ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлиги мустақамлашишига хизмат қилиши таъкидланди.

АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» КИТОБИ ҲАКИДА

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг давлат мулкни ҳусусийлаштириш, бутун иқтисодийни ислоҳ қилиш жараёни ҳамма жойда чуқур издиш отган янги босқичга кирди. Ҳусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш — бутун хўжалик мажмуини янгилашнинг бугунги босқичида энг муҳим вазифадир. Мамлакат мустақиллик йилларида қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ютуқларга эришгани, бундан буён қай йўл билан бориш, нисмаларга алоҳида аҳамият бериш, қайси йўналишларни устувор деб билиш — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ақида бўлиб, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби мана шу муаммоларга бағишланган.

истикболни аниқ кўра билиш туфайли бозорга «Бош билан шўнғиш» билан иш битмайди, бу сиебат давлатга жуда қимматга тушади, халқни қашқоқлаштиради ва бошқа тузагиб бўлмайдиган фалокатларга бошлайди, деган хулосага келади. Ислам Каримовнинг ниёти аниқ; тизимни тадрижий равишда ислоҳ қилишни таъминлаш, тараққиётнинг эркин ва ўзига ҳо йўлидан бориш керак. Бу — энг муҳим, энг асосий концепциядир.

Чунки, бошқаларнинг тараққиёт йўли, маърифатнинг бошқаларга ҳо нуқсаси кўтилган натижани бермайдиган, унинг келажаги йўқ, боши берқидир. Бу ўринда кўпгина мамлакатлар, жумладан Фарбдаги тараққиёт этган мамлакатлар ҳам бугунги кунда ўз қадриятларини қайта назардан ўтказаяётгани, улардан анчагина нуқсонлар топаётгани ҳам унутмаслик лозим.

Ўзбекистон бой табиий ресурсларга эга. Ана шунинг ўзи Ўзбекистоннинг жиддий мавқеини белгилай беради. Чунки, бизга катта сармоялар ва юксак унумли технологиялар, замонавий машина ва ускуналар жуда зарур. Президент ташаббуси билан мамлакатга хорижий капитални қириб келишни рағбатлантиради, қанчалик хуқуқий негиз барпо этилган бўлиб, хозир у манъиқ тарзда янада ривожланмоқда. Ана шу мақсадга кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича миллий агентлик ташкил этилган. Сармояларни мамлакатимиз иқтисодига кўшмоқчи бўлганларнинг барчасини Ўзбекистон қонунлари ишончли равишда ҳимоя қилади. Бу ўринда ўтган йилда валюта кредит ресурсларини 1,2 миллиард АҚШ долларини олиб кетганини эслатишнинг ўзи қийф бўлса керак.

Китоб муаллифи хорижий сармояларни жалб этишнинг энг фаол шаклларида бири қўшма корхоналар барпо этиш эканини қайта-қайта таъкидлайди. Хозир Ўзбекистонда миндан ошқ қўшма корхона рўйхати олинган бўлиб, уларнинг асосий (низоом) жамғармаси 100 миллион сўмдан ортиқ ва 50 миллион АҚШ долларига яқиндир. Қўшма корхоналар муассислари орасини «Ньюмонт», «Пелси-Кола» (АҚШ), «Рэнк ксерокс» (Буюк Британия), «Мерседес-бенц» (ГФР), «Булдер» (Швейцария), «Дэу корпорейшн» (Жанубий Корея) ва бошқа машҳур фирмалар бор.

Ўзбекистон жаҳондаги олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарадиган ўн та давлат қаторига кириши маълу. Шу пайтга қадар зарур технология йўлиги туфайли фойдаланилмай келинган қатламларни қайта ишлайдиган «Зарафшон — Ньюмонт» Ўзбекистон Америка Қўшма корхонаси ишга тушириш билан олтин қазиб чиқариш янада қўяпти. 225 миллион доллар қийматга эга бўлган лойиҳани маблаг билан таъминлашда жаҳондаги бир қанча банклар, жумладан Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳам иштирок этди. Бу қўшма корхонанинг лойиҳадаги қувват билан ишлаш

лоса чиқариш имконини беради.

Ҳусусийлаштиришдаги инсонпарварлик принципи уйжойни ҳусусийлаштиришда айниқса яқол намоен бўлди. Ўқитувчилар, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа бюджет ташкилотлари ҳодимлари, хуллас машош ўлчовли бўлган кишилар, шунингдек уруш қатнашчилари, «афғончи» жангчилар, камхараж оилаларга уй-жой текинга ҳусусийлаштириш берилди.

Ишлаб чиқариш жамоаларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Улар эскириб қолган асосий фондларни, имтиёзли акцияларни олишмоқда, ижтимоий муҳофаза турлари — профилаторийлар, ошконилик, тиббиёт ва спорт муассасалари ҳамда бошқа масканлардан текинга фойдаланишлари мумкин.

Давлат фермерларга 200 минг гектарга яқин ер ажратиб берди, давлат хўжалиқларини ҳусусийлаштиришда деҳқончилик жамоалари сезиларли имтиёзлар олди.

Ислам Каримовнинг китоби Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг, янги бозор муносабатларига ўтишнинг ўзигагина ҳос бўлган йўлини танлаб олганини яна бир бор эркин намойиш қилади. Шу билан бирга, Назаримда, иқтисодийнинг сиебатдан устун туриши, ислохотларнинг бошқима-бошқич ўтказилиши, фуқароларнинг кучли муҳофаза қилиниши, ўтказилаётган тадбирларнинг хуқуқий асоси барпо этилиши сингари асосий хулосалар бир ижтимоий тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатлар ҳам қўллангани мумкин. Ислохотларни аҳолини муҳофаза қилиш бўйича кучли чора-тадбирлар билан қўшиб олиб бориш механизми Украина, Беларус ва МДХ-даги бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу тасодиқ эмас, албатта: қўлга киритилган иқтисодий барқарорлик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан қўшилган ҳолда Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтирди. Ким ўш мамлакатда мана шундай барқарор вазият бўлишини истамайди? Ислам Каримов барқарорлик, тинчлик, тотулик, миллий ва ижтимоий тараққиёт янги давлатчилик биснос барпо этиладиган пойдевор, халқорам ҳамжамиятга қўшилишнинг қалити деб таъкидлаганида мутлақо ҳақдир. «Инсонпарварлик, эзгулик, очикқўнгиллик каби умумбашарий қадриятларга амал қиладиган ва унга қўшилган мамлакат ва халқини жаҳондаги бошқа халқларга яқин ва қадри бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин, фақат ана шундай мамлакат ва халқ билан тенг ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатилиши мумкин», деган сўзларга ҳам қўшилмай бўлмайди.

Ўзбекистон янги, шу пайтгача синалмаган йўлдан боришда. Бу йўлда хато ва галабаларгина эмас, хато ва камчиликлар ҳам бўлиши мумкин.

**ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ
БЕРМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайловдан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу даврда депутатлар қандай ишларни амалга оширдилар? Жойларда Олий Мажлиста вилоятлардан сайланган депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Гулистон шаҳрида 129-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлиста сайланган депутат, вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди. У ўзининг депутатлик фаолияти, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди, сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.



Усмон Юсуфов туманидаги «Жейнов» жамоа ширкат хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг излор хўжалиқлардан бири ҳисобланади. Утган йили 7800 тонналик нахти хармони бунёд этган жейновлик нахтакорларнинг иштини бугунги кунда ҳам баалаб. Улар жерий йида 3600 гектар майдонга уруқ қадиб, ундан мавсум охирига бориб 6900 тонна ҳосил кўтаришни режалаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда хўжалик далаларида барваж бўлиб усиб турган гузалари сугориш ва ошкантириш ишлари жадал олиб борилаётган. СУРАТДА: тажрибадан сувчи Абдулла Имомов, Ш. Шарофов (ЎЗА) олган сурат.

**«БИРОТТАМ ТАҚИД ПАТИЖАСИ ҚОЛМАЙДИ»
«ТУКИНЛИК
ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ... КИМЛАР?»
(«Халқ сўзи», 1995 йил 22 апрель)**

Президентимиз фермерларни аграр ислохотимизнинг биринчи қалдиригочлари, деб бежиз айтмаган. Чунки улар мамлакат иқтисодини кўтаришда ҳал қилувчи роля ўйнамоқда. Шунга қарамай, улар ишининг олдинга кетмаётганига асосий сабаб айрим туман ҳокимликлари ҳамда ўрта бўғи раҳбарлари уларга ердан бериш ўрнига ишга тўсқ бўлганлиқидир. Солиқ инспекцияси ҳодимлари уларнинг олдинга ортиқча талаблар қўйишмоқда. Натижада фермерлик ҳаракати яқин ривожланмапти.

Юқоридаги сарлавҳали мақолада бу борада Нуробод туманида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таъминотида шундай ҳолатлар кўп учраб келмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тегишли равишда 54 ва 518 тонна кўп демакдир. Мақолада кўрсатилган камчилик ва нуқсонлар таъминотида мавжуд туман ҳокимлиги мустақад ташкилотлар билан биргаликда бу камчиликларни тўғатиш учун аниқ чора-тадбирларни кўрилади. Айтилган муаммоларни ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга солдирилади.

**Рубен САҒАРОВ,
«Правда Востока»
газетасининг бош
муҳаррири, Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
академиясининг мухбир
азоси.
(«Труд» газетасининг
1995 йил 30 июнь сонидан).**

Фармон ва ижро



Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонида кўра, муваққил мамлакатимизда янги олий даргоҳ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Истикболни белгилаш ва статистика давлат кўмитасининг раиси лавозимда ишлаб келаётган Мурод Шарифхўжаев унинг ректори этиб тайинланди. Шу муносабат билан биз академик Шарифхўжаев ҳузурда бўлиб, у кишидан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Мухтарам донма, руҳсат берсангиз, аввало, Сизни тахририятимиз ва кўп миң соғли муштарийларимиз номидан ушбу олий даргоҳнинг ректори этиб тайинланганингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланганингиз билан табриклаймиз!

— Раҳмат! Фурсатдан фойдаланиб, тахририят ходимлари ва барча муштарийларга миннатдорчилик изҳор этаман.

— Сизнингча, қандай заруриятлар сабаб Президент ҳузурда Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди?

— Ислому Абдуғаниевичнинг республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги матбузасида бу саволнигизга муфассал жавоб берилган. «Бугун биз қандай давлат қураёмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?» деган саволларга жавоб топиш, бу ҳусусда атрофлича фикр юритишнинг фурсати етди, — дейилди ўша дастуриламда ҳужжатда. — Албатта, бу масалалар бизнинг Конституцияимизда ўз ифодасини топган. Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, очиқ, демократик давлат қуриш. Бироқ ана шу мақсад сари қадам қўяр эканмиз, қураётган давлатимизнинг шаклини, қиёфасини ўзимиз аққол тасаввур қилишимиз керак. Шу мақсадга эришиш учун жамиятнинг тарққиёт босқичларини аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Булар мураккаб, айни пайтда гоҳ муҳим масалалардир. Биз бу саволларга қанчаллик тўғри жавоб топа олаёқ, адолатли, демократик жамият қуришининг энг мақбул ва маърифий йўлларини шунчалик тезроқ топамиз. Шунқимиз келажги, Ватанимиз истиқболли ана шунга боғлиқ».

Дарҳақиқат, бугун биз танлаган йўлимизга кўра, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган давлатни барпо этишга киришдик. Бу ўз навбатида бошқарув органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг раҳбар кадрлар бўлишини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлигини тубдан яхшилашни ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилиши истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштиришни талаб қилади.

Мана шу заруриятлар ҳисобга олинган ҳолда Академия ташкил этилди.

— Унинг номи нима учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги?

қурилишида эса сифат жиҳатдан биргалай ўзгаришлар содир бўлмақдаки, буларни ўрганиш, ўргатиш ва қарор топириш барчамизнинг бурчимиздир.

Шу билан бирга, биз фуқаролик жамиятини қуришга ҳам интиломқдамиз. Бунинг маъноси, Ислому Абдуғаниевич таъкидлаганидек, давлатчилигимиз ривожлана бормади сари бошқарувиини турли хил вазибаларини бевосита халққа топириши, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир. Фуқаролик жамияти фуқаролараро иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлар

сий варақа, таржимаи ҳол, соғлиги ҳақида справка, 4 донга (4х6 см. ҳажмда) фотосурат тақдим этилади. Август ойида улар Ўзбекистонда Республика Конституцияси, давлат ва жамият қурилишининг асосий муаммолари ва чет тили бўйича тест синовларини топирадилар. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтганлар эса Академияга қабул қилинади.

Бундан ташқари, Академия қошида қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ҳам мавжуд. Уларга ҳам тингловчилар, юқорида айтилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

лашлари учун зарур бўлган ҳозирги замон талабларига мос профессионал умуммаърифий тайёргарликдан ўтадилар. Улар бу ерда давлат хизмати ва кадрлар сиёсати, ҳуқуқ, иқтисод, философия, политология, ижтимоий психология, умумий дунёқараш маданияти бобида чуқур билимга эга бўлишлари билан бирга ўзбек давлатчилиги хизмати тарихи, хорижийлар давлатлар хизмати тажрибасини талқин қилдилар ва чет тилини чуқур ўрганидилар.

Ўқитиш давлат буюртмаси асосида амалга оширилади. Бугунги — мамлакат миқёсида давлат хизматчилари ва бошқа раҳбар кадрлар резервларини тайёрлашнинг давлатларини аниқ белгилашнинг графика тузилади. Машғулотлар эса ҳар бир тингловчининг ўзига хослиги, унинг маълумоти, ишнинг табияти, тайёргарлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда алоҳида тузилган режа бўйича олиб борилади. Бунда ҳозирги замон техника воситаларидан, ўқитишнинг энг самарали усуллари билан кенг фойдаланилади. Тингловчилар, шунингдек, ўзларининг соҳаларига кўра, ўқиб жараёнида давлат ташкилотларида стажировкада бўладилар, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланидилар.

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда фаол қатнашдилар. Бунинг учун Академияда етарли шарт-шароитлар яратилди.

— Тингловчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари жараёни қай шаклда кечади?

— Докторантура ва аспирантура орқали тегишли мутахассислар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳам Академия зиммасига юклатилган.

Аспирантурага давлат хизмати, ҳўжалик структурасида ишлаётган, илмий-аналитик қобилиятга эга, ёши 35 гача (қундузги бўлим учун) ва 45 гача (сиртки бўлим учун) бўлганлар қабул қилинади. Докторантура мўддатли эса — бир йил. Унда давлат, ижтимоий ва ҳўжалик структураси ходимлари, ўқитувчилар илмий-тадқиқотлари ва докторлик диссертацияларини яқунлайдилар.

Юртбошимиз республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги нутқида: «Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, ҳолос. Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг вақти келди. Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бутунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим» — деб алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, биз илмий-тадқиқот ишларини икки йўналишда олиб боришни мўлжаллаётимиз. Биринчиси — фундаментал тадқиқот ишлари, иккинчиси — илмий-амалий тадқиқотлардир. Давлат хизматининг моҳияти, унинг жойлардаги структураси, давлат ҳокимияти турли тармоқларининг ўзаро фарқланиши, улар ўртасидаги муносабат механизми ва принциплари;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

УНИНГ РЕКТОРИ, АКАДЕМИК МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

ривожланган, давлатга боқинмайди, аммо у билан ўзаро таъсирда мавжуд бўлган жамиятдир. Бу жамият фуқаролари юксак ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ахлоқий мақомга эга бўлганлари ҳолда давлат билан ҳамкорликда ривожланган ҳуқуқий муносабатларни қарор топирадилар. Мазкур ижтимоий феномен эса бизнинг ҳаётимиз учун янгиликдир. Уни ҳам ўрганишимиз, унинг учун ҳам меҳнат ва ҳаракат қилишимиз керак.

Қисқаси, Академияимизнинг номи келажак буюқ давлатни қуришни илмий-назарий, амалий муаммоларини ҳал этиш, унинг ечимини топувчи профессионал раҳбар кадрларни тайёрлаш вазибаларидан келиб чиқади.

— Академиянинг асосий вазифаси давлат, жамоат ва ҳўжалик тузилмалари ходимлари раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишдан иборат, дегингиз. Сизнингча, бу жараёни қай тарзда амалга оширилади?

— Жуда ўринли савол. Бугун бизнинг олимизда: «Кимни ўқитиш, нимага ўқитиш ва қандай қилиб ўқитиш керак?» деган масала қўндалган турбди. Ҳозирча Академияга олий маълумотли, муайян ўқув юритини битирганидан сўнг давлат ва жамоат ташкилотларида камда икки йил ишлаган, ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган хизматчи ва ходимлар қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва жамоат ташкилотлари уларни 20 июлга қарар тавсия этишлари керак. Академиянинг 1 йиллик қундузги бўлимига кирувчилар 1 августга ректор номига ариза, олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси, шах-

Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва жамоат ташкилотларини тавсиялари орқали юборилади. Қайта тайёрлов курсида ўқийдиганлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат ва ижтимоий қурилишнинг асосий муаммолари бўйича сўхбатдан ва тест синовдан ўтадилар. Малака ошириш курсининг тингловчилари эса фақат ана шу дастурлар бўйича сўхбатдан ўтадилар.

Умуман олганда, Академияда Президент девони, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг муовинлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, марказий ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг муовинлари, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, акционерлик жамоалари, тадбиркорлик тузилмалари, валюта-молия, солиқ ва боғхона ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик бюрolari, иждоий ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг муовини камда икки йил ишлаган, ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган хизматчи ва ходимлар қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва жамоат ташкилотлари уларни 20 июлга қарар тавсия этишлари керак. Академиянинг 1 йиллик қундузги бўлимига кирувчилар 1 августга ректор номига ариза, олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси, шах-

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда фаол қатнашдилар. Бунинг учун Академияда етарли шарт-шароитлар яратилди.

— Тингловчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари жараёни қай шаклда кечади?

— Докторантура ва аспирантура орқали тегишли мутахассислар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳам Академия зиммасига юклатилган.

Аспирантурага давлат хизмати, ҳўжалик структурасида ишлаётган, илмий-аналитик қобилиятга эга, ёши 35 гача (қундузги бўлим учун) ва 45 гача (сиртки бўлим учун) бўлганлар қабул қилинади. Докторантура мўддатли эса — бир йил. Унда давлат, ижтимоий ва ҳўжалик структураси ходимлари, ўқитувчилар илмий-тадқиқотлари ва докторлик диссертацияларини яқунлайдилар.

Юртбошимиз республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги нутқида: «Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, ҳолос. Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг вақти келди. Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бутунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим» — деб алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, биз илмий-тадқиқот ишларини икки йўналишда олиб боришни мўлжаллаётимиз. Биринчиси — фундаментал тадқиқот ишлари, иккинчиси — илмий-амалий тадқиқотлардир. Давлат хизматининг моҳияти, унинг жойлардаги структураси, давлат ҳокимияти турли тармоқларининг ўзаро фарқланиши, улар ўртасидаги муносабат механизми ва принциплари;

вилоятлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув моделлари, кадрлар сиёсатининг моҳияти ва принциплари, уни амалга ошириш механизми; давлат хизмати ходимининг касб маҳорати тавсифномаси, мутахассис модели; кадрларга нисбатан ҳозирги давр талаби, уларни лавозимларга кўтариш, аттестация ва қайта аттестациядан ўтказишнинг мезонлари ва услублари, кадрлар резервларини тайёрлаш ва шакллантириш, кадрларни лавозимга кўтаришда малака оширишнинг роли; давлат хизматининг ҳуқуқий негизини яратиш ва ҳўказолар шулар сирасига кирди.


— Академияда кадрлар сиёсатини тақомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ҳам ишлаб чиқиш кўзда тутилган, шекли.

— Албатта, Академия республика Президенти девонининг таҳлилий ахборот бўйича таъминот маркази ролини ҳам ўтайди. Бу албатта унинг доирасида олиб бориладиган қисқа, узоқ муддатли илмий-тадқиқот дастурлари билан узвий боғлиқ. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётини қўмақлашувчи тавсиялар, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти тажрибалари, улар томонидан олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг таҳлилий, давлат хизмати ва кадрлар сиёсати бўйича статистик ҳисоб-шакллари ишлаб, давлат ва муниципал бошқарувда ахборотлардан фойдаланиш, ахборотларни топиш усулларини ишлаб чиқиш, кадрлар банкни яқунлаш келтириш ва улардан фойдаланиш услубини яратиш шулар жумласидандир. Барча таҳлилий ҳисоб-китоблар асосида эса Академия давлат хизмати, унинг ҳуқуқий негизини вужудга келтириш, давлатнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш механизмига тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади. Шу билан бирга, бу ерда ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолиятига доир концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни илмий экспертиза қилиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Мухтарам қилиб айтганда, Президентимиз томонидан Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ташкил этилиши халқимизнинг ҳам, юртимизнинг ҳам бахтидир. Фақат узоқни кўра билган, доно давлат раҳбарига бугунги мураккаб даврга тинчлик, оқилоналикни барқарор қилиш билан бирга элнинг маданиятини, мамлакатнинг салоҳиятини оширишга, давлат хизматини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳисса қўшадиган шундай олий даргоҳнинг барпо этиши лозим. Президент ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади.

— Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур. Сизга сиҳат-саломатлик, иждоий ва ташкилотчилик ишларингизда эса муваффақиятлар тилаб қоламиз.

«Халқ сўзи»нинг махсус муҳбири Икром ЎТБОСАРОВ сўхбатланди.



БОШ ВАЗИР ИШТИРОК ЭТИШИ КУТИПМОҚДА

Чеченистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш борасидаги музокараларнинг учинчи босқичида Россия Федерацияси Бош вазирини Виктор Черномырдин иштирок этиши мумкин.

Ҳатто, томонлар келишувига биноан музокаралар Москвада ўтказилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, деди Россия делегацияси аъзоси А. Вольский журналистларга.

УЛАР-КУ ИСТЕФОГА ЧИҚИШМОҚЧИ. БИРОҚ...

Чеченистон миллий тотулик кўмитаси етакчиси Умар Автурхонов ва Чеченистон миллий тиклиши ҳукумати раҳбари Саломбек Ҳожиев 30 июнь куни истефого чиқишга рози эканлигини билдирди.

Чеченистонда тинчлик қарор топиши учун биз истефого чиқишга розимиз, — деди улар Грознида ўтган матбуот анжуманида. Бироқ, У.Автурхонов ва С. Ҳожиевнинг фикрича, Чеченистонда тинчлик қарор топиши Жоҳар Дудаевнинг ҳам истефого чиқишини тақозо этади.

БАПКИ, МИШ-МИШДИР

Покистон ҳукумати Буденовскдаги қўпуровчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган Шамил Басоевнинг қаердалиги ҳақидаги маълумотга эва эмас, дейилади Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг Исламободдаги Россия элчихонасида берган баёғотида.

Унда Шамил Басоев айни пайтда Покистонда яшамоқда, деган хабар рад этилган. Исламободдаги Россия элчихонаси вакили ПАТА-ТАСС муҳбирига айтишича, Покистон ушбу хабарни кескин қоралаган ва уни ўйлаб топишга миш-миш, деб атаган.

СУВ ТОШҚИНИ

Хитойнинг жанубида кучли жала туфайли сув тошқини юз берди.

Натижада юзлаб киши қурбон бўлган, 34 миллиондан ортиқ киши зарар кўрди. Айни пайтда мамлакатдаги 9 та вилоятда қаттиқ жала қуймоқда. Сув тошқини 2,2 миллион гектар экинзорларни ювиб кетди. Айниқса, Унан ва Цзянси вилоятлари катта зарар кўрди, деб хабар қилади сув тошқини ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича давлат штабининг вакили.

ВАКИП ТАН ОЛДИ

Босния музоамаларига ишопарварлик ёрдам келтирадиган автомашиналардан қўрол-яроғ топилиганини БМТ вакили расмий равида таъин олди.

Бироқ, хавфсизлик кенашини Босния сербларидан ушбу автомашиналарнинг ўтишига ҳалақит бермасликни талаб қилган. БМТ Бош котибининг расмий вакили Фред Экхарднинг айтишича, «Қўрол-яроғ солинган иккита ўқур юк машиналардан бирининг ўтиригичи тагидан топилиган».



Вена — Европадаги энг гўзал шаҳарлардан бири.

ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Япония ҳукумати Женевада Япония билан АҚШ ўртасидаги автомобиль савдоси бўйича имзоланган ҳужжатга ижобий баҳо берди.

Япония Вазирлар Маҳкамасининг Бош котиби Калзо Игараси ушбу ҳужжат нафақат АҚШ ва Япония, Балки, «аҳон савдо ташкилоти олиб бораётган эркин савдо тизими учун ҳам манфаатли эканини айтган.

КУРОПТИ ТУҚНАШУВ

Мексиканинг Терреро штатида юз берган полиция билан деҳқонлар ўртасидаги қуроли туқнашувда, 14 киши ҳалок бўлди, 18 киши жароҳат олд.

Штат ҳокимининг фикрича, полициячилар йўлдан ўтиб бораётган юк машинасини текшириш учун тўхташган. Бироқ машинада ўтирган одамлар қўлимаганда полициячиларга қарата ўт очган. Отишмада 4 нафар полициячи ҳам жароҳатланди.

ТАРТИБСIZЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УЧУН...

Покистоннинг Карачи шаҳрида ҳамон қуроли туқнашувлар давом этмоқда.

Покистон ички ишлар вазири Насрулла Бабарнинг айтишича, яқин орада Покистон ҳукумати Франция ва Туркиядан қўпуровчиликка қарши кураш бўйича мутахассислар таклиф қилмоқчи. Улар шаҳардаги тартибсизликларни бартараф қилишда мамлакат хавфсизлик кучларига ёрдам беради, деди у.

ЁРДАМ КУРСАТИШДАГИ ЧЕКЛАНИШЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

АҚШ конгрессининг вакиллари палатаси Американинг Озарбайжонга ёрдам кўрсатиши масаласида чекларнинг сақлаб қолиниши ёқлаб овоз берди.

1992 йилда қабул қилинган озодликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қўнғунга асосан Озарбайжонга ёрдам чеклаб қўйилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ВИПОЯТИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1995-96 УҚУВ ЙИПИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга:
«Мақтабгача тарбия», «Бошланғич синфларда ўқитиш»
Сиртки бўлимга:
«Мақтабгача тарбия» мутахассислиги бўйича ўқувчилар қабул қилади.
Ўқиш мўддати:

9-синфни битирганлар учун — 3 йилу 10 ой
11-синфни битирганлар учун — 1 йилу 10 ой (қундузги бўлим)
11-синфни битирганлар учун — 2 йилу 10 ой (сиртки бўлим).
Билим юртига 9-, 11-синф маълумотида эга бўлган ёшлар қабул қилинади.
Ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилади.
Аризалар 25 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилади:
1. Маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки шаходатнома (асл нусхаси);
2. 086/у — шаклдаги тиббий маълумотнома;
3. 3х4 ҳажмдаги 6 донга фотосурат;
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаганлар учун).

Тугилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт ва ҳарбий хизматга таалуқлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112.
63-, 49-, 89-, 73-автобусларининг 1-Қорасув бекати.
Телефон: 65-98-91.

"Тошкент сўзи"

* акциядорлик жамоасига доимий ишлаш учун сўт маҳсулотларини етказиб берувчи (эжнепторлар) керак.
* Иш ҳақи олиб борилган сўт маҳсулотни микдорига қараб белгиланади.
* Жамоа аҳолига юқори савияда сўт маҳсулотлари етказиб беришга ҳамкорлик қилувчи корхоналар ва шахсларни таклиф қилади ва буюртмаларга асосан уйга сўт маҳсулотлари етказиб беришни мўлжалламақра.

Мўрожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 26 мавзё
"Тошкент сўзи" акциядорлик жамоаси, кадрлар бўлими.
Телефонлар:
72-02-85, 72-16-14, 72-02-81.

Тошкент давлат Иқтисодий университетининг ректорати, қабаба уюшма кўмитаси, «Халқро маркетинг» кафедрасининг директори
Мехридин МУРОДОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси Давлат геология фонди жамоаси кўчаси
Ғафур РАШИДОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур талани изҳор этади.

Америка Қўшма Штатлари иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан жаҳонда энг кўратилиб келибди...

лидан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистонда АҚШнинг...

борасида эришилган натижалар ҳам диққатга сазовор. 1993 йилда...

ларга мўлжалланган 45 та тақлифлар маъмурият ҳозирнинг ўзида маълум...

МЕХРИГИЁЛИ МЕХРИ ОПА



У жума куни ҳам одатгаддек ишдан кеч қайтди. Уй-рўғзор ишларининг саранжом-саршилтаишдан кўнгли...

гача пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 4-шифохонада ишлаб келмоқда...

Муҳаррам УСМОНОВА: — Чигатой маҳалласида турман. Қасбим тикувчи...

Абдуғаффор МУҲАММЕДОВ: — Маданият ҳодими. Сал кам 8 йилдан бери мия қон фаолиятининг бузилиши туфайли...

Дарҳақиқат, Меҳри опа иззат-ҳурматга муносиб. Бу эса ҳаммага ҳам насиб этазвермайди.

Ғайзулла ИСАЕВ.

Суратда: Меҳри Орифжонов бемор соғлигини текшириб кўрмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.

СЕХРЛИ ДИЁР

4 июль — АҚШ мустақиллиги куни

ўртасида савдо алоқалари тўғрисида битим имзоланди. Унда икки томон ишбилармонлари учун ку...

Олий даражадаги давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашуви доирасида шу йил ойда Президентимиз И. Каримов Копенгагенда АҚШ вице Президенти А. Гор билан учрашди...

Мураккаб шартларда ҳам муваффақият қилиш мумкин. Ушундан кўра, ҳақдорларнинг ҳақдорлигини қўллаш зарур...

қумати Орол денгизи худуди ақсолиснинг ичмлик суви билан таъминлаш лойиҳалари бўйича 15 миллион доллар ҳажмида техник ёрдам кўрсатилади...

Турли компаниялар ва савдосотик билан боғлиқ бўлмаган АҚШнинг бошқа ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик қилиш йўли қўйилмоқда...

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири; Анвар ЖИРЗО, «Халқ сўзи»нинг маъмурият мухбири.

БОЛАЛАРГА ОМОНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ

Халқаро «Экосан» жамғармасининг Муборак тумани бўлими ташаббускорларининг сай-ҳаракатлари билан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 55 нафарига жамғарма банкисида омонат дафтарчалари очилди...

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФРАНЦИЯНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ АНДИЖОНЛИК ОЛИМДА

Силқидил меҳнат, изланиш ҳамиша юқори баҳолаб келган. Яқинда Андижон Давлат тиллар пелатогика олийтоҳининг француз тили кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Аҳмадали Мамадалиев Франция мамлакатининг олий мукофоти Академик Пальма кавалери орденга сазовор бўлди...

Ф. ШОДМАНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«БАРАКА»НИНГ БАРАКАЛИ ИШЛАРИ

«Юнусовод» даҳасидаги Аҳмад Доғиш кўчаси билан Амир Темур кўчасида турган чорраҳаддаги универсам дўкони «Баракка» жамоа корхонасига айлантирилди.

Эндликда бу ерга ташириб буюрувчиларнинг бирадиги беш-олтита ташвиш хал бўлиб чиқиб кетди. Масалан, барча зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, тижорат буюмлари, хўжалик моллари, бошқа барча сановат товарлари сотиб олиш бўлимларидан истаган масалдиг ёки мартовнинг топширингиз мумкин.

Бундан ташқари соат созлашинингиз, дори-дармон олишинингиз, қаҳвахонада тамадди қилишинингиз учун шароит етарли.

Бозор шароитида хари...

ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР, ШИФОХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ»

фирмаси Сизларга турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган юздан ортик дори-дармонларни тақлиф этади.



Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, юрак қонтомирлари, жигар, буйрак, астма ва асаб хасталикларини даволашда қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса, бизга мурожаат қилинг!



Сиз бизнинг дориҳонамиздан «Гермед» (Германия), «Стеринг Хелс» (Буюк Британия), «Аджанта фарма лимитед» (Ҳиндистон), «Крка» (Словения), «Берингер Ингель Хайм» (Австрия), «ЦИЭХ Польша» (Польша) каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни харид қилишингиз мумкин.

Шунингдек, фирмамизда етиштирилган шифобахш гиёҳшарбатлар (фитобар), гиёҳлар ва ҳар хил дардлардан даволанишда, юқумли вируслардан сақланишда катта ёрдам берадиган кўпгина маҳамларни ҳам энг арзон нархда олишингиз мумкин.



Шоппинг. Сизга зарур бўлган маҳамлар бизда бисёр. Ҳам арзон, ҳам сифатли.

Фирма сойишдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш ёки нақд тўловларда амалга оширилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси 1"А"-уй. (Метронинг Гофур Фулом бекати). Телефонлар: 44-24-34, 40-48-06, 40-44-83.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ THE PROJECT FOR IMPROVEMENT OF MEDICAL EQUIPMENT FOR CHILD CARE TOШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАЛАРИ ВА ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ ЛОЙИҲАСИ

ЖАНОБ ТАДБИРКОРЛАР! ЎзБат А.Ж. қўшма корхонаси ҳаммани ўзаро фойдали ҳамкорликка чақиради. Тошкентдаги бош офис телефони: 34-10-44. Халқаро факс: (7 3712) 89-12-12, маҳаллий факс: 34-10-43. Тошкент тамаки фабрикаси телефонлари: 35-10-61, 35-30-90. Ферментация заводлари телефонлари: Самарқандда: (3662) 31-10-85. Ургутда: 31-08-62.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси